

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

1.2021

**научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-nazariy, metodik jurnal

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

TAHRIR HAY’ATI:	
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek , tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O’tkir , tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori, DO’SCHONOV Tangribergan , iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar , fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdiyor , fizika-matematika fanlari doktori, JO’RAYEV Mamatqul , filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOZ OV Otoboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO’ZIMBOYEV Safarboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO’ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna , filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna , pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G’oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOZ Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rnibosari), YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, O’ROZBOYEV Abdulla , filologiya fanlari doktori, O’ROZBOYEV G‘ayrat , fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2021 1(163)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

мурожаат вазифасини ўтайди. **오빠**-*յұнна* «ака» мурожатининг этимологияси ҳам ўзига хос бўлиб, тарихан қўйидагича шаклланган.

О **오빠**-*յұнна* «ака» мурожати тарихан **오라비** *ўраби* шаклида бўлиб, асосан, бир ота-онадан туғилган, ёшидан қатъий назар, эркаклар учун умумий атама эди, аммо маъно ва шаклнинг ўзгариши натижасида айнан бир ота-онадан туғилган ўғил болаларнинг “каттаси” деган маънени англатган. XVIII асрларда мазкур мурожаатдан ўзларидан катта, кичик ёки тенгдош бўлган ўғил болалар фойдаланишган. «**을**» ва «**이**» сўзларининг кўшилишидан ташкил топган бўлиб, *ота билан бир погонада турувчи, аммо тажрибасиз йигит* сифатида талқин қилинганин. XX аср бошларида **오라비** мурожаати **옹부**-*ўнба* кўринишида шаклланади. Айнан мана шу даврдан бошлаб, бу мурожаат ўзидан ёши катта ўғил болалар ҳамда қариндош бўлмаган кишилар орасида фойдаланила бошлайди.¹ **오라비** ўраби вақт ўтиши билан нафақат шакл жиҳатидан, (**옹부**-*ўнба* шаклидан **오빠**-*յұнна* шаклига ўзгарди), балки маъно жиҳатидн ҳам ўзгаришларга учраб, ака-ука маъноси қисқариб, фақатгина ўзидан катта бўлган ўғил болаларни ифодаловчи маънени англата бошлайди. Фақатгина оиласда қўлланган мазкур мурожаат вақт ўтиши билан, оиласдан жамиятга тарқалиб, бугунги кундаги **오빠**-*յұнна* кўринишида юзага келди.

Бугунги кунга келиб, қизлар ўзидан катта йигитларни, унаштирилган йигитларини ҳамда ўзидан юқори синфда ёки курсда ўқийдиган болаларни **오빠**-*յұнна* деб чақиришади. Агар шахсга нисбатан тўғридан-тўғри мурожаат қилинса, **오빠**-*յұнна*, агар III шахс сифатида қўлланилса, аввал, исм, сўнг **오빠(민수오빠)** *յұнна* (Минсу *յұнна*) тарзида ифодаланилади.

오빠, 오늘 공연보러갈래? (Ака), бугун театр тамошасига борамизми?

Мазкур мисолда қиз ўз акасига нисбатан мурожаат қилган бўлса, ака, деб таржима қилиш мумкин. Агар ўзидан катта бўлган йигитга қарат қилинган мурожаат бўлса, у ҳолда таржима қилинмасдан шундайлигича қолдириш мумкин.

Поғонали муносабатларда самимиятни ифодалайдиган ва «ака» маъносини берадиган мурожаат бирликларидан яна бири эркакларнинг нутқига хос бўлган **형** *хёнг* «ака» мурожаатидир. **형** *хёнг* «ака»ундалмаси акага, қайногага, ўзидан катталарга, юқори синфда ёки курсда ўқийдиганларга нисбатан ишлатилади.² Эркакларининг нутқида **형** *хёнг* «ака» мурожаати жиноий гурух етакчисига нисбатан ҳам қўлланилади.

형, 한가지 부탁이 있는데 들어주겠어? Ака, бир 일정으로 봄날 예약해 주겠어?

Жануби шарқий худудларда яшовчи аҳолининг маҳаллий шевасида **хёнг** «ака» мурожаати **시아** *циа*, **쵸아** *чоя* деб ҳам юритилади. Масалан, **형님** *хёнгним* мурожаатини **성님** *сунгним* ёки **행님** *хенгним* деб атаб, қисқарган шаклида **형** *хем* деб талқин қилишади. Ёш болаларнинг тили энди чиқаётганида **형** *хёнга* деб, **쵸** *чо* ҳарфини айта олмаган ҳолатларда эса **옹** *онга* деб юритилиш шакллари ҳам мавжуд.

Маълумки, қариндошлик терминлари нутқда қариндошлиги бўлмаган кишиларга нисбатан ҳам ишлатилади. Бунда уларнинг ёши инобатга олинади. Хусусан, ўзидан ёши катта эркакларга нисбатан аёллар нутқида **오빠**-*յұнна*, эркаклар нутқида **형** *хёнг*, ўзбек тилида ҳар иккала жинс вақиллари учун *ака*, ёш қизларга корейс тилида **아버지** *ажоши*, ўзбек тилида *амаки*, ўрта ёшли аёлларга корейс тилида **아줌마** *ажумма*, ўзбек тилида *хола, келинойи*, шу билан бир қаторда, **사모님** *самоним* (мазкур хитоб шакли, асосан, зиёлилар ва юқори табакадагиларнинг аёлига нисбатан ишлатилади) деб мурожаат қилиш мумкин.

Корейс тилида касбдошлар ўргасидаги мурожаат шакларида қариндошлик терминларидан ҳисобданувчи «ака» ва «опа» жуда кенг қўлланилади. Масалан, иш жойида қиз ходимлар ўзаро **언니** *йнни*, яъни «опа» деб мурожаат қиладилар. Ўғил болаларда **형** *хёнг*, яъни «ака» деб мурожаат қиладилар ва бундай ҳолатларда ушбу мурожаат шакллари уларнинг ўзаро ака-ука ёки опа-сингил эканлигини англатмайди. Исмга **님** *ним* (хоним ёки жаноб) қўшимчасини қўшиб ҳам мурожаат қи-

¹<http://rubyweb.kr/2020/02/7876?citattempt=1>

² Усманова Ш. Корейс ва туркий тилларда ундалмалар. Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Тошкент, “Университет”, 2004, 76-бет; Усманова Ш. Ўзбек ва корейс тилларида расмий мурожаат шакллари. Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. III, Тошкент, 2012, 163-бет.

лиш мумкин. Бу мавзу кишиларнинг касб-хунар ва лавозим билан боғлиқ мурожаат бирликларида кенг ёритилади.

Юкорида олиб борилган таҳлил натижаларига қўра қўйидаги умумий ҳуласаларга келинди;

1. Аёллар нутқидаги «언니» ўнни «опа» мурожаатининг этимологияси иероглифларга тақалувчи «안/았, 엇» атга үни қўшимчасини бирлаштириш орқали шаклланган бўлиши мумкин деган фикр тахмин қилиниб, бундай холда, «안/았, 엇» ат «биринчи» деган маънони англатади. Демак, «안니, 앗니, 엇니» атни/анни/ўнни «биринчи туғилган» деган маънога эга. Бу атама катта опа сингиллар ёки катта аёлга нисбатан атама бўлиб ўзгартирилган. Замонавий корейс тилидаги «언니» ўнни «опа» мурожаати XX асрга келибгина муомалага киритилган деб қаралади.

2. Эркаклар нуткидаги 누나누나 «опа» мурожаати хам 언나ённи «опа» мурожаати сингари, тарихий жараённи бошдан кечириб, шаклан куйидаги кўринишларда ривожланган: 누의나^юндан 누이^юна^юига, 누의님^юн^юнимдан 누이님^юну^юним кейин эса 누님^юну^юним шаклларида ривожланган бўлиб, бугунги кунда барчамизга таниш бўлган 누나^юну^юна^ю кўринишидаги мурожаат XX асрдагина пайдо бўлди.

3. Аёллар нутқидаги *ওର୍ଦୁପା* «ака» мурожати тарихан *ଓରାବି* ўраби шаклида бўлиб, асосан, бир ота-онадан туғилган, ёшидан қатъий назар, эркаклар учун умумий атама эди, аммо маъно ва шаклнинг ўзгариши натижасида айнан бир ота-онадан туғилган ўғил болаларнинг «каттаси» деган маънени англашган. Мазкур мурожаатдан фақатгина ўзларидан катта ёки тенгдош бўлган ўғил болалар фойдаланишган. XX аср бошларида *ଓରାବି* мурожаати *ଓର୍ଦୁପା* кўринишида шаклланади ва қўлланилиш ҳолати ҳам ўзгариб, бу мурожаатдан фақатгина аёллар фойдалана бошладилар.

4. Эркаклар нутқига хос бўлган **хёнг** «ака» мурожаатини ўзидан катта ўғил болаларга, юкори синфда ўқийдиган болаларга, қайноғасига қарата мурожаат қилинганида фойдаланилади. Жануби-шарқий ҳудудларнинг шеваларида эса ушбу ундалманинг **сиюза**, **хонг** хия кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, **хёнгним** мурожаатини **сунгним** ёки **хенгним** кўринишида кисқарган шакллари ҳам бор.

Юқорида баён қилинган фикрларидан шундай хulosага келиш мүмкінки, корейс тилида бұгунғи кундаги «ака» ва «опа» мурожааттарининг тарихий шаклланиш жараёнлари ўзига хос бўлиб, мазкур мурожаатларнинг барчаси ҳам тарихий шакли ҳамда қўлланилиш доирасини сақлаб қолмagan.

Cho‘lliyeva Gulchehra Toshpo‘lot qizi (BuxDU o‘qituvchisi) INTONEMA HAOIDA

Annotasiya. Mazkur maqolada og‘zaki nutqning asosiy qismi hisoblangan talaffuz bilan bog‘liq birliklar, xususan, intonema, uning o‘zigagina xos ba’zi xususiyatlari tahlilga tortilgan. Intonema atamasining tilshunoslikka kirib kelishi, bu tushunchaning ayrim o‘ziga xosliklari bayon qilingan. Shuningdek, o‘zbek nutqi talaffuzi jarayonidagi intonemalarning turlari haqida fikr yuritilgan.

Аннотация. В этой статье анализируются единицы произношения, особенно интонема, которые являются основной частью устной речи, и некоторые ее уникальные особенности. Внедрение термина интонема в лингвистику, описаны некоторые особенности этого понятия. Обсуждаются также виды интонемов в произношении узбекской речи.

Annotation. This article analyzes the units of pronunciation, especially the intoneme, which are the main part of oral speech, and some of its unique features. The introduction of the term intoneme into linguistics, some features of this concept are described. The types of intonemes in the pronunciation of the Uzbek speech are also discussed.

Kalit so ‘zlar: nutq, intonatsiya, intonema, spiker nutq, aqly intonema, ixtiyoiy intonema.

Ключевые слова: речь, интонация, интонема, говорящая речь, психическая интонема, произвольная интонема.

Key words: speech, intonation, intoneme, speaking speech, psychic intonation, arbitrary intoneme.

Nutq jarayonida bir-biriga qo'shilib, mutatsiyaga uchragan intonatsion elementlar nutqning intonatsion ko'rnishini hosil qiladi. Nutq ohangining vazifalari nihoyatda xilma-xil bo'lganligi uchun me'yoriy intonatsiyani aniqlashning yagona mezonnini ajratish qiyin. Telefon ixtirochisi bo'lgan fizik olim Bell to-

vush tezligi-yu, uning ko‘tarilish darajasini aniqlagan, shuning uchun tovush tezligining o‘lchov birligi uning nomi (detsibell) bilan bog‘liq. Ammo muhimi bu emas. Asosiysi, shu mashhur fizik olim tomonidan taklif etigan tovush balandligi me’yorini inson yoshligidanoq bilishi va unga amal qilishi lozim. Ya’ni:

- ♦suhbat jarayoni (me’yor) – 40 db (detsibell) =madaniyatilik belgisi;
- ♦shovqinli holat (me’yordan oshish) – 80 db (detsibell) =madaniyatilikdan chekinish belgisi;
- ♦og‘riqli holat (me’yorning buzilishi) – 130 db (detsibell) =madaniyatsizlik belgisi.

Bil’aks, boshqalar bilan muloqot, suhbat jarayonida tomoq pardasini yirtgudek holatda qichqirib gapirish kommunikantlar(ham so‘zlovchi, ham tinglovchi)ning eshitish a’zolariga og‘riq yetkazadi va bu so‘zlovchining un paychalarini tiklanmas holatda zararlaydi yoki “o‘ldiradi”.¹ Biroq tovush balandligi bilan tovush ohangi aynan bir narsa emas. Chunki baland ovozda samimiyat, mehr tovlanishi, muhabbat pafosi sezilishi mumkin, aksincha, past ovozda mensimaslik, kibr, jirkanish ma’nolarini yuzaga chiqaruvchi ohang bo‘lishi ham kutiladi.

Intonatsiya birligi intonema (ohang fonemasi, intonatsiya tuzilishi) bo‘lib, u intonatsiya davri, ya’ni bayonot yoki uning qismini farqlash va bayonning kommunikativ turini, sintagmalarining semantik ahamiyatini, mavzularga va qismalarga bo‘linish uchun yetarli bo‘lgan intonatsion belgilar (parametrlar) to‘plamini tashkil etadi.

Intonema atamasi ilk bora XX asrning 40-yillarida nashr etilgan rus tilshunosligiga oid darslik va qo‘llanmalarda uchrashini kuzatish mumkin. Bevosita intonatsiya masalalari bilan shug‘ullangan rus olimi V.A.Artyomov mazkur atamaning paydo bo‘lishini Reformatskiy nomi bilan bog‘laydi.²

V.A.Artyomovning fikricha, intonema turli intonatsion elementlarning odatiy naqshiga ega bo‘lgan funktsional birligi bo‘lib, bu borada intonem va intonatsion invariant tushunchalarini ajratish muhim. Odatda, birinchi atama til tizimi voqeligidagi nutqning ijtimoiy jihatdan yondashilgan nolisoniy birligi hisoblansa, ikkinchi atama esa spiker nutq – muayyan tilda zarur bo‘lgan akustik xususiyatlarning nisbiy modeli (tuzilmasi) sifatida qaralishi nazarda tutiladi.

Intonema intonatsiya birligi, intonatsiya modeli, bayonning ma’nosi bilan bog‘liq bo‘lgan intonatsion fazilatlarni umumlashtirish natijasidir. Intonema intonatsion muntazamlikni ta’minlaydi, bu nutqda intonatsion-semantik segmentlarni aniqlashga yordam beradi. Intonemaning moddiyati intonatsion elementlar (to‘xtam, sintagma, rema va b.lar)dan hosil bo‘ladi, ammo bu intonema shu elementlarning oddiy jamlanmasi degani emas. Intonemaning fizik jihatni, odatda, muayyan til egalari nutqida mavjud sof intonatsion tovushlarning o‘xhash tomonlari asosida umumlashma hosil qilishi bilan xarakterlanadi. Mutaxassislarining fikricha, intonemalar umumlashma to‘plami muayyan tilda (masalan, o‘zbek tilida, rus yoki nemis lisonida) so‘zlashuvchilarining xotirasida saqlanadi va aniq nutq parchalarining talaffuzida yoki “hazm qilinishi” (tinglanishi)da me’yor vazifasini o‘taydi.

Tilshunos olimlar intonemalarni semantik jihatdan tasniflab, ularni to‘rt guruhga ajratadilar. Bular quyidagilar:

1) aqliy intonema (haqiqiy bo‘linish intonemasi, ulanish darajasi intonemasi, ahamiyat darajasi intonemi, savol intonemasi, tasdiqlash intonemasi) sintaktik ma’nolar va kategoriyalarni ajratishga, nutq oqimini ajratishga va savolni tasdiqlash bilan taqqoslashga xizmat qiladi. Aqliy intonemalar har doim nutqda mavjud.

Intellektual intonemalarning qadriyatlari – bu nutqni shakllantirish bilan bog‘liq bo‘lgan tilda aks ettirilgan aqliy faoliyat momentlari, ya’ni intonatsiya yordamida ikkita tanlangan bayon shakllaridan birini amalga oshirish kerak: bayonot (ma’lumot uzatish) yoki savol (ma’lumot olish istagi ifodasi).

Haqiqiy bo‘linish intonemasi matnni paragraflarga, abzatslarga, jummalarga, sintagmalarga bo‘lish uchun xizmat qiladi va pauza orqali amalga oshiriladi.

Muloqot intonemasi tarkibiy qism bo‘yicha haqiqiy bo‘linish birliklari o‘rtasidagi munosabatni bilsdiradi. Ko‘pincha, u ohangdor musiqadan iborat, ko‘pincha, tezlikni pasaytirib yuboradi. Haqiqiy bo‘linish intonemasi va aloqa intonemasi nutq oqimida o‘zaro ta’sir qiladi.

Nutqning eng muhim tarkibiy qismlarini ta’kidlash uchun ahamiyatli intonema qo‘llaniladi. Bu ikkilamchi balandlik sifatida sekin sur’at va kuchli zichlik bilan ajralib turadi. Muhimlik intonemasi,

¹ Yuldasheva D., Ashurbayeva R., Asanova Sh., Yusupova D. Use of an Integrative Research on the Education System.– Scopus: International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8, Issue-4, November, 2019, p. 7661 – 7664.

² Артемов В.А. Речевая интонация. Сб. «Экспериментальная фонетика». Вып. №3, Минск, 1971, с. 201.

odatda, sintagmaning bir yoki bir nechta so‘ziga qaratilgan mantiqiy ta’sirni ifodalaydi;

2) ixtiyoriy intonema, bevosita, so‘zlovchi (axborot yetkazuvchi, kommunikant)ning nutq sharoiti-dagi holatiga bog‘liq. Tabiiyki, nutqiy sharoit, tinglovchining diskurs davomida kommunikantga ta’siri, fatika, tashqi ta’sir (axborot uzatuvchining salomatligi, ijtimoiy holati, saviyasi, dunyoqarashi va h.)lar bilan uzyiylashadi. Ixtiyoriy intonemalarning ohangdorligi, albatta, jamiyat qabul qilgan me’yordan baland bo‘ladi. Chunki kommunikantning ruhiy holati so‘zida aks etmasa-da, buni so‘zlash ohangida bildirmasligi qiyin. Masalan, Eri Asadbekning, qizi Zaynabning ayanchli ahvoldidan bexabar bo‘lsa-da, o‘ziga ham noma’lum bir tuyg‘u ko‘nglini g‘ashlik buluti bilan chirmab turardi. Asadbekning telefonda to‘ng ohanga gaplashishi uni ajablantirmas, bu holatga yillar bo‘yi ko‘nikib ketgan edi.¹

Yana bir misol.

– Xudo sening jonningi qaytib berdi, bir o‘lib, bir tirilding, – dedi Jalil. – U dunyoga o‘tishingga bir qarich qoluvdi. O‘lsam nima bo‘laman, deb o‘yladingmi hech?

Bu savol Asadbekning someligi soxta ekani, «amri ma‘ruf»ni tinglamayotganini fosh qilib qo‘ydi.

– Senga gapiryapmanmi yo devorgami? – dedi Jalil zardali ohangda.

– Gapingni qaytar, tushunmadim, – dedim Asadbek yengil yo‘talib.

– Eshitsang tushunarding, –Jalil shunday degach, savolini takrorladi.² Demak, parchada so‘zlovch (Jalil)ning tinglovchi (Asadbek) “soxta some”ligidan jahli chiqdi va bu uning zarda ohangida so‘zlashiga sabab bo‘ldi.

Ixtiyoriy intonemalarning ikki guruhi ajratiladi:

1) ixtiyoriy-neytral intonema (yetkazilayotgan axborotga so‘zlovchining shaxsiy munosabatini sezdirmaydi yoki kommunikantning uzatayotgan axborotiga befarq ekanligini bildiradi). Masalan,

– Qani endi otlaring, xunasalar! Ha, otmaysanlarmi! – dedi u hansirab.

– Baqirma, nega o‘kirasan? – dedi Soliyev *xotirjam ohangda*. Bu xotirjamlik, talvasadan yiroqlik «Qassob»ni bir oz ajablantirdi. Soliyevning ahvoldagi boshqa odam qo‘rqmagan taqdirda ham asabiy-lashmog‘i lozim edi.³

2) rag‘batlantiruvchi intonema (buyurtma, kuchli zichlik, yuqori diapazon xos). Buyurtma qat’iy aytildi, so‘zlar aniq ajratilgan va ta’kidlangan, ohangda keng ko‘tarilish oralig‘ida bo‘ladi. Buyurtma intonemasini amalga oshirish variantlari: qaror, qiziqish istagi, ishortirish, ogohlantirish, so‘rov va b. Ushbu intonema to‘lqinga o‘xhash musiqa bilan ajralib turadi. Musiqa yuqori diapazonga joylashtiriladi, suhbatdosh suhbatdoshga, odatdagidek, moslashadi. Masalan,

Bu safar ham ovozi chiqmadi, faqat lablari asta qimirladi. Hamshira lablarning qimirlashidan savolning mazmunini uqqanday, o‘sha soxta jilmayishini kanda qilmagan holda mayin kaftini uning peshonasiga qo‘yib:

– Xavotirlanmang, krizis o‘tdi, – dedi. Keyin dalda beruvchi ohangda qo‘shib qo‘ydi, – balki, ertadirin reanimatsiyadan umumiy xonaga olishar...⁴

Agar diskursda so‘zlovchining maqsadi nutqda ifodalanayotgan biror fikrni asosiy nutq voqeligiga aylantirmoqchi (gap qo‘zg`amoqchi, e’tibor qarattirmoqchi, ba’zan shu orqali biror axborotga ega bo‘lgmoqchi) bo‘lganda ham rag‘batlantiruvchi intonemadan foydalanadi. Chunonchi, Bu gap barchaga yoqib tushdi va hammalari bundayin fikr o‘z shuurlarida azaldan bor bo‘lganligini, lekin bu qadar sodda hamda ta’sirchan tarzda o‘ylab ko‘rmaganliklarini, lozim bo‘lsa, bundayin sodda yo‘sinda ifoda etolmasliklarini ham tan oldilar. Shuning uchun suhbatdoshlarning bari mammun bir qiyofada, suhbatning nihoyasidan rozi bo‘lib, yengil tin oldilar.

–Chizmalarни ertaga ko‘rib chiqamiz chog‘i? – dedi Vositiy «tursak ham bo‘lar», degan ohangda.⁵

Agar biz biror narsani isbotlash, tushuntirish asnosida talaffuz qilgan (tarkibi orfoepik me’yorlarga mos kelmaydigan) jumlalarning barchasi ixtiyoriy intonatsiyaga misol bo‘la oladi;

3) **hissiy intonemalar** so‘zlovchining hissiy holatini ifoda etishga xizmat qiladi, tuyg‘ulari (g‘azab, qo‘rquv, muloyimlik, qayg‘u, nafrat, befarqlik, xafagarchilik, shodlik, uyalish, ajablanish va h.)ni intonatsion vositalar bilan ifoda etadi.

Hissiy intonemalar insonning ruhiy kechinmalari bilan bog‘liq bo‘lib, ularni ifodalashda mustaqil

¹ Malik T. Shaytanat. IV kitob, 2-bet.

² Shu kitob. 9-bet.

³ Shu kitob. 17-bet.

⁴ T.Malik. Shaytanat. IV kitob, 51-bet.

⁵ Jaloliddin N. Oraliq. Roman. 78-bet.

nutqiy birliklar (his-hayajon undovlari, ritorik so‘roqlar, undov gaplar va b.)dan foydalilanadi. Ammo bu belgilarni ifodalash uchun kommunikantga tegishli hissiy holatining mavjudligi nutq momentida shart bo‘lmasligi ham mumkin. Har bir hissiy intonemaning o‘ziga xos xususiyatlarini bilish muhimdir. Masa-lan, g‘azab intonemasi intensivlikning oshishi, pasayishi bilan tavsiflanadi; qayg‘u intonemasi ohangning kichik o‘zgaruvchanligini yuzaga keltiradi, bunda sintagmaning boshlanishi qizg‘in bo‘lib, keyin intensivlik pasayadi yoki uzilib qoladi; befarqlik intonemasi ohang quruq,sovuj, pasaygan intensivlik, shuningdek, befarqlik holati xatti-harakatlardagi kabi intonatsiyada ham shunchalik aniqlanmagan mavhumlik seziladi. Xursandchilik intonemasida baland “sakrash” ohangi, ko‘tarinkilikning davomiyligi, «yengil», «iliq» tembr kuzatilsa, ajablanib intonemasida ovoz balandligi yuqoridan pastga qarab yunaladi va hayrat, hadiksirash holatlari bilan uyg‘unlashib ketadi;

4) **ijobiy intonemada** ekspressiv ekspozitsiyalar, yoqimli hodisalar, chirolyi narsa-buyum, ko‘ri-nish, tafsilotlarning (inson ruhiy holatiga mos) salbiy bo‘limgan xususiyatlari intonatsion vositalarga ko‘tarinkilik bag`ishlashga xizmat qiladi. Ushbu intonemalarning semantikasi idrok, sezgi, tasavvur kabi ruhiy jarayonlar bilan bog‘liq. Ijobiy intonemalar orasida quyidagilar ajralib turadi: «katta» («kuchli», «ar-zirli», «yuk bosadigan») ma’nolarga ega bo‘lgan intonema ovozning past darajasi, ya’ni past chastotalar, hissiy uzunlik, sekinlashuv bilan xarakterlanadi: «kichik» («kuchsiz», «yilt etgan», «miltiragan») ma’-nolariga ega bo‘lgan intonema baland ovoz bilan ifodalanadi (O‘qishga kirdim!); «tez» («shoshilinch» va h.) ma’nolariga ega bo‘lgan intonema tezlashtirilgan sur’at bilan tasvirlanadi; «sokin» («uzoq», «uzun») ma’nolariga ega bo‘lgan intonema sekinlashgan, shiddati past uzunlik bilan ajralib turadi.

Inson nutqiy sharoitga qarab, intonemaning barcha turidan unumli foydalana oladi.

**Ибрагимов Хайрулла Ҳамдамович (ЖДПИ, ўқитувчи)
ТЎРА СУЛАЙМОН ИЖОДИДА ТЕОМОРФИК МЕТАФОРА**

Аннотация. Уибӯ мақолада метафора маъно кўчиши йўлларининг сермаҳсул тури саналган – Теоморфик метафора (илохий номлар) ҳақидаги ва ундан шоир Тўра Сулеймоннинг ўз асарларида маҳорат билан қўллаганилиги мисолида очиб берилган.

Аннотация. В данной статье ведется речь о широко распространенном виде метафоры – теоморфической метафоре (наименование богов), и раскрывается данный троп на примере использования поэтом Турой Сулейманом в своих произведениях.

Annotation. In this article the art skills, the miracle of pen, most effective ways of transferring means of metaphor and its considered type as Theomorphic metaphor(holy scriptures) are given. The author also tried to reveal how Tura Sulayman used them with enthusiasm in his works.

Калим сўзлар: метафора, Антропоморфик метафора, зооморфик метафора (ҳайвон номлари), фитоморфик метафора (ўсимлик номлари), космоморфик метафора (осмон жисимлари номи), абиоморфик метафора, теоморфик метафора, тангри, малак, фариишта, пари, санам, шайтон.

Ключевые слова: метафора, антропоморфическая метафора, зооморфическая метафора (названия животных), фитоморфическая метафора (названия растений), космоморфическая метафора (названия небесных существ), абиоморфическая метафора, теоморфическая метафора, Всешишний, фея, ангел, пери, дева, дъявол, идол, черт.

Key words: metaphor, anthropomorphic metaphor, zoomorphic metaphor (names of animals), phytomorphic metaphor (names of plants), cosmorphic metaphor (names of space bodies), abiomorphic metaphor, theomorfic metaphor, God, Heaven, Angel, Virgo, Devil.

Ўзбек тилининг тасвир имкониятлари шу даражада ранг-барангки, сўз серкирралиги ойнадек намоён бўлади. Тилимиздаги мавжуд сўзлар маъноларининг ўсиши маъно кўчиши, кенгайиши ва торайиши тарзида рўй беради. Борлиқдаги нарса-ходиса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолат номлари маълум бир асосга кўра бошқа нарса-ходиса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолат номи сифатида ҳам қўлланилади. Бундай вактда битта ном бир неча нарса-ходиса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатнинг номи сифатида хизмат қиласди.

Сўзларда маъно кўчиши нима асосида кўчишига кўра метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлиқ, киноя каби турларга бўлинади.

Нарса-буюм, воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно кўчишига метафора дейилади. Метафора кўчма маъно ҳосил қилишнинг энг кенг тарқалган усуларидан би-

Ergasheva Muborak Qozoqboyevna. “Kompyuter grafikasi” fanini o‘qitishda Corel Draw dasturining afzalliklari.....	95
Садирова Камола Ғиёзовна. Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг ақлий ривожланиш йўллари.....	97
Abdullayeva Maftuna Muxitdinovna. Surdopedagogika ta’lim yo‘nalishida tahsil oluvchi talabalarda empatiya kasbiy sifatini rivojlantirishda o‘quv va ishlab chiqarish amaliyotining ahamiyati.....	100
Турабова Севара Каттақуловна. Талабаларнинг аргументатив компетентлигини ривожлантириша баҳс-мунозара методининг аҳамияти.....	102
Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна. Программно-методический комплекс в качестве эффективного средства использования информационных технологий в преподавании предмета теория алгоритмов.....	105
Allaberganova Muyassar Rimberganovna, Ashirova Anorgul Ismoilovna, Baltayea Iroda Ismoilovna, Xajiboyeva Surayyo Maxmudjonovna. Articulate storyline dasturida elektron resurs yaratish metodikasi.....	112

ILMIY AXBOROT

Расулов Сайдулла Қурбонович, Тўрамкулов Шокир Нормуминович. Зарафшон воҳасининг биогеокимёвий худудларида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болалар соч таркибидаги макро- ва микроэлементларнинг соматометрик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги.....	117
Мамадалиев Жавлонбек Абдумуталиб ўғли. Андижон вилояти сугориладиган ерлар сифатини баҳолаш.....	122
Джумақулов Шуҳрат Баҳодирович. Маҳалла маънавий тарғибот обьекти сифатида.....	124
Ражабов Ўтқирjon Хурсаналиевич. Ижтимоий мухитнинг шахс тараккиётидаги ўрни ва роли.....	127
Исомиддинов Азизбек Абдумажидович. Ҳаракатлар стратегияси ва ёшлар интеллектуал салоҳиятнинг ижтимоий-маданий омили.....	130
Алламуратов Нурибай Есемуратович. Қорақалпоқ тилида компонентли юридик терминларни боғловчи воситалар.....	133
Choriyev Shokir Mamadaminovich. Chipqon atamasining fonetik, etimologik-semantik xususiyati.....	137
Аширбаева Дилором Равшановна. Корейс тилидаги ака (형/오빠) ва опа (누나/언니) мурожаатларининг этимологияси ва кўлланилишига доир.....	139
Cho‘lliyeva Gulchehra Toshpo‘lot qizi. Intonema haqida.....	143
Ибрагимов Хайрулла Ҳамдамович. Тўра Сулаймон ижодида теоморфик метафора.....	146
Каримов Рустам Абдурасулович. Параллел корпуснинг лингвистик, хорижий тил лингводидактикасидаги аҳамияти ва таржимонлик соҳасидаги имкониятлари.....	150
Махмудова Муаттар Ҳасматиллоевна. Й.В.Гёте “Фарбу Шарқ” девонининг Мақсад Шайхзода ва С.С.Бухорий таржималарига хос хусусиятлар.....	153
Atabekova Feruza Nujamkulovna. Badiiy asarlarda realiyalar tarjimasi.....	157
Эрданов Зафар Даминович. Зулфиянинг поэтик маҳорати ва ўзбек таржимашунослиги муаммолари.....	160
Курбанова Мунаввар. Шекспир услубидаги тизимли ва структуравий яхлитлик.....	164
Атажанов Сарвар Самандарович. Эркин Самандарнинг асар бадииятида турғун ўхшатишлардан фойдаланиш маҳорати.....	167
Низамова Феруза Алимуллаевна. Алишер Навоийнинг форсий ижодидан бир қатра.....	171
Умрзаков Ислом Исройлович. Уильям Фолкнер асарларида “вақт” категорияси.....	173
Nusratilloyeva Dilnoza Nusratilloyevna. Xurshid Davron lirikasida tarixiy shaxslar obrazi.....	177
Nizomova Shoxista Shodiyevna. Zamoniaviy she’riyatda suv va olov bilan bog‘liq obrazlarni ifodalash an’anasi.....	182
Эгамбердиева Азиза Мустафаевна. Таълимда ёшлар ташаббускорлигини оширишда фаол фуқаролик позициясининг ўрни.....	184
Мамаюсупова Диловархон Бегматовна. Давлат-хусусий шериклигининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.....	188
Sheralieva Shirin Abdisalomovna. The Problem of Interaction of Language and Religion.....	194
Khodjaniyazov Sardor Umarovich, Jumaniyazova Nasiba Odilbekovna. Teaching Tourism Police with Cultural Intelligence.....	196